Ўзбекистои Республикаси Молия вазирлиги билаи келишилган ҳолда ва Ўзбекистои Республикаси Миллий гвардияси томонидан тасдиқланган янги тарифлар киритилганда, энг кам ойлик иш ҳақи ўзгартирилгандагина қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан белгиланган бошқа харажатлар миқдори ўзгарганда (мазкур шартномага қўшимча келишув сифатида расмийлаштирилади).

7. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилган қўриқлаш хизмати учун ойлик тўловнииг 100 фоизи миқдорида ижрочи ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан кейинги ой бошланишдан 10 кун олдин тўловни амалга оширади.

8. Ушбу шартномада кўрсатилган муддатларда тўловлар келмаган тақдирда, Ижрочи Буюртмачига акцепсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур шартиома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши шарт.

## 4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. **"Ижрочи"нинг мажбуриятлари:**

10. Тоифаланган объектни қўриқлов остига қабул қилгандан сунг Чимқўрғон сув омборидан фойдаланиш бошқармаси объектининг ишончли қўриқланиши ва мудофааси, тоифаланган объектни НЎПда рухсатнома тартибининг амалга оширилиши, тоифаланган объектларни қўриғини ташкиллаштириш бўйича Йўриқнома талаблари билан белгиланган бошқа тадбирларнинг ўтказилиши учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

11. Тоифаланган объект томонидан тақдим этилган маиший хизмат хоналарини, муҳандислик техник воситаларини ва бошқа мулкни соз ҳолда сақланишини таъминлайди ва улардан амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ фойдаланади.

12. Тоифаланган объектнинг моддий бойликлари талон-тарож қилинган, йўқолган, зарар етказилган ҳолатларда "Ижрочи"нинг айбдор шахсларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортади.

13. Объект НЎПдаги механизмларни, хизмат ва бошқа хоналарини, сув ва канализация тармоқларини, ёритиш ускуналарни, инвентар ва мебелларни таъмирлаш учун талабномаларни ўз вақтида "Буюртмачи"га беради.

14. Объектда кириш-чиқиш ва ички объект режимига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликларни олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилади.

15. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

16. Тоифаланган объектнинг қўриқлов остига топшириладиган вақтида қўриқлаш бўлинмасига казарма, хизмат, маиший маданий ва бошқа хоналарни тақдим қилади, мазкур хоналарни таъмирлашни "Ижрочи" талабномалари бўйича амалга оширади.

17. Замонавий турдаги муҳандислик-техник қўриқлаш воситаларини (кейинги ўринларда МТҚВ деб юритилади) жорий қилиш ҳисобига тоифаланган объектни ишончли қўриғини оширишга қаратилган тадбирларни